

ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ФАНЛАРАРО АЛОҚАЛАРНИ БИНАР ЁРДАМИДА ШАКЛЛАНТИРИШ

ЖДПИ Бошланғич таълим назарияси ва амалиёти кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.н, Б. Суванкулов

Кейинги пайтларда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашда назария ва амалиётни чамбарчас боғлаб ўтиш жараёнида таълимнинг бинар моделидан фойдаланиш кенг оммаллашиб бормоқда. Бинар дарс жараёнлари фанлараро алоқа ва фанлар интеграциясини ташкиллаштириш мақсадида икки ўқитувчи томонидан олиб бориладиган умумлашган дарс жараёни ҳисобланади. Бинар дарс машғулотлари куйидаги тамойилларни амалга оширишни кўзда тутуди:

- мутахассисликка йўналтирилганлик - таълим материаллари мазмуни ва ўрганилаётган муаммоларнинг ўзаро узвийлиги;
- кўпқирралилик – таълим олувчилар ҳар иккала фан бўйича олган билимини амалиётга қўллашга интилади;
- назарий билимларни амалиётга қўллаш.

Бинар таълимнинг асосий мақсади – талабаларда билим ва кўникмаларни амалиётга қўллаш учун шароитлар яратиш ва уларга ўз билим натижаларини кўришга имконият яратиб беришдан иборат. Бинар дарслар фанни ўрганишга мотивацияларни оширади, талабаларда ўз ўзини назорат қилиш, таҳлил қилиш, ижод қилиш хусусиятларини шакллантиради. Талабаларда ўзаро мулоқот ва муомала каби тарбиявий хусусиятларни ҳам шакллантиради. Шундай қилиб бинар таълим:

- Касбий билимларнинг сифатини ошириш ва касбий кўникмаларни шакллантириш. Бу ўзлаштирилган ва шаклланган маълумотлар вақтинчалик эмаслиги билан тушунтирилади. Олинаётган билимни бевосита амалиёт билан қўлланилиши ақлий ва руҳий фаолият билан боғлиқ бўлганлиги сабабли маълумотни хотирада яхши сақланишига сабаб бўлади. Шунингдек янги билимни ўзлаштирилиши бир нечта босқичда амалга ошади: фикрий жараён - аввал назарий тафаккурга ўтади, кейин ҳаракат ва амалий фаолиятга алмашади. Натижада билим

яхши ўзлаштирилади ва мустахкамланади. Бинар таълимнинг яна бир хусусияти таълим олувчининг фикрлаш ва амалий фаолиятидаги доимий босимни камайтиради, яъни ақлий ва амалий фаолият рационал равишда кетма-кет келади ва бунинг натижасида ишлаш қобилиятини тушиб кетишига йўл қўймайди.

Билиш ва амалий фаолиятни ривожлантириш, яъни мақсадга эришиш зарурлигини англаб етиш. Эгалланган билимларни қўллаш салоҳияти, фаолият усуллари ва услубларини намоёни қилиш, термин, тушунчаларни билиш ва эркин қўллай олиш, боғланишлар, қоидалар, қонунлар ва айниятларни эркин тушунтира олиш қобилиятини ривожлантириш.

- Ёд олинадиган маълумотларни камайтириш. Бинар таълим жараёнида маълумотларни шунчаки ёд олиш бўлмайди, назарий билим соҳаси амалий фаолиятга кўчирилади, шу сабабли ўқув ахбороти ўқувчилар учун қулай ва тушунарли бўлади. Талабалар мавжуд билим ва амалий кўникмалари ёрдамида берилган маълумотларни чуқур ўрганишлари осон бўлади.

- Талабаларнинг билиш қобилияти ва ижодий фаолиятини ошириш.

- Таълимнинг тарбиявий аҳамияти ошади.

– Интизом, ташкилотчилик, масъулият ва ижодий потенциал шаклланади. Таълим бериш – билим, кўникмалар, малакалар ва тарбия жараёнини шакллантирсада, катта хажмдаги маълумотларни ўзлаштириш зарурияти ахборотни шунчаки ёдлашга мажбур қилади, талаба асосий моҳиятга эътибор қилмайди. Таълим жараёни қизиқарсиз бўлади, назария ва амалиёт орасида узилишлар бу вазиятни янада кучайтиради – ва бунинг натижасида талаба хатто минимал билимни олмаслиги мумкин. Бинар таълим ушбу қийинчиликларни енгиб чиқади, чунки ушбу таълим жараёнида талабалар билан жонли мулоқот қилинади, талабаларни қизиқиши билан доимо ошириб борилади. Бинар таълимда талаба назарияни чуқурроқ англашга, унинг моҳиятини тушунишга ва амалиётга тадбиқ қилишга ҳаракат қилади. Бинар таълим жараёнида шахс фаоллашади, унда муваффақият, ўзига ишонч, таълимга қизиқиш, билим ва кўникмага эга бўлиш

ҳиссиёти уйғонади ва ўқитувчилар билан бўлган тарбиявий мулоқот, ўзаро тушуниш ва ишонч ҳиссиётлари шаклланади.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ КОММУНИКАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР ЁРДАМИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЎҚИТИШ ТИЗИМЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**М. Усмонов-ЖДПИ Бошланғич таълим назарияси ва амалиёти
кафедраси катта ўқитувчиси**

Ҳозирдаги ривожланиш таълим жараёнига ахборот коммуникацион технологиялари асосида интеллектуал тизимлари тобора кириб боришига сабаб бўлмоқда. Интеллектуал ўқитиш тизимлари дастурий восита кўринишида бўлиб, маъруза, амалиёт ва лаборатория ишларини амалга ошириш жараёнларида кенг қўлланилмоқда. Билим олиш жараёнида оддий намоёниш этиш, тушунтириш функциясидан ташқари таълим олувчига қараб билим узатиш тезлигини, ўқув материални бериш кетма-кетлигини ўзгартириш, ёки бевосита кузатиш имконияти бўлмайдиган жараёнларни ифода қилай олса, бу технологияларни интеллектуал ўқитиш тизимлари деб аташ мумкин. Ўқитиш тизимида ахборот технологиялари ўрни дейилганда ўрганилаётган ёки ўрганилмоқчи бўлинган объектлар тўғрисида маълумотлар олиш, қайта ишлаш ва бу маълумотларни узатишни компьютерли технологияларини тушунилади. Маълумотлар эса ўрганилаётган объектлар тўғрисидаги билимлардир. Демак, ахборот технологияларига асосланган интеллектуал ўқитиш тизимлари билимларни олиш, қайта ишлаш ва уларни янги таҳлиллар асосида, янги шароитларда узатиш масалалари билан боғлиқ масалаларни ечишга йўналтирилган. Замонавий ўқитишни ахборот технологиялари асоси бу янги педагогик технология бўлиб, ўрганилаётган манба бўйича дастурий техник(кино, видео, аудио, компьютерли ва телекоммуникацион) технологиялар асосида билимларни йиғиш, қайта ишлаш, узатиш, умуман билимлар билан ишлашни янги технологиясидир. Ахборот

технологиялари ўқитиш тизимларида дастурий таъминотини бир неча категорияларга бўлиш мумкин:

- ўқитувчи тизимлар;
- машқ қилдирувчи тизимлар;
- назорат қилувчи тизимлар; маълумотларни қидирувчи тизимлар; - моделлаштирувчи тизимлар;
- кенгайтирувчи, катталаштирувчи тизимлар;
- фикрловчи инструментал воситалар;
- умумий характердаги инструментал воситалар;
- коммуникацияни таъминловчи инструментал воситалар.

Замонавий ўқитишни инструментал воситалари сифатида электрон таълим ресурсларини яратиш учун қўлланиладиган турли форматдаги программалар, программа модуллари, маълумотлар баъзаси тушунилади. Улар умумий характерга эга бўлиб, алоҳида олинган масалаларни ечишга қаратилмаган. Ўқитувчи, лойиҳаловчи бу инструментал воситалар ёрдамида аниқ қўйилган масала бўйича таълим ресурсларини яратади. Ижтимоий, иқтисодий, техник ривожланиш даврида интеллектуал ўқитиш тизимлари билим олиш жараёнини янги поғоналарга кўтармоқда. Яъни бу тизимни қўлланилиши, ўқитиш жараёнини самарадорлигини кескин орттиради. Бу тизимга реал мисол сифатида программа тренажёрларни келтириш мумкин. Тренажёрларни асосий вазифаси мураккаб жараёнларни инструментал воситалар ёрдамида реал шароитни ташкил этиб, шароитни ўрганиш билимларини, жараёнларни реал шароитда бошқариш билимини ўзлаштириш имкониятини беради. Мисол учун самолётларни учувчиларини, мураккаб харбий қуролларни операторларини тайёрлаш ва уларни ўзлаштирган билимларини назорат қилиш программа тренажёрларини олишимиз мумкин. Олиб борилган тадқиқотларни кўрсатишича, мураккаб жараёнларни кузатиш ва бошқариш билимларини олишни энг мақбул варианты кўрсатиб ўтилган программа тренажёр интеллектуал ўқитиш воситаларига мисолдир.

Имкониятлари замон талабига жавоб берувчи компьютер техникаларини кириб келиши интеллектуал ўқитиш тизимларини яратилишига, сунъий интеллект доирасида соҳалар бўйича эксперт тизимларни ривожланишида асосий омил бўлиб ҳисобланади. Кенг тарқалган автоматлаштирилган ўргатувчи тизимлар ўз ичига ўқув методик материаллар билан биргаликда намоёниш этилувчи билимлар, назарий билимлар ва назорат қилувчи тизимларни ўз ичига олиб, ўқитиш жараёнини бошқаради. Замон билан бирга ҳаракатланаётган ва ривожланаётган интеллектуал ўқитиш тизимлари асосини билим олувчига зарурий билимларни аниқ кетма-кетликда, билим олувчини имкониятларини эътиборга олган ҳолда билим бериш ташкил этади. Бу тизимларни умумий тарзда электрон таълим ресурслари деб аташ мумкин. Ундаги барча билимлар, тизимлар электрон шаклда бўлиб, билим бериш формасига қараб оммавий билим беришда, мустақил таълим олишда муҳим ўрин тутди. Уларни энг аҳамиятли томонларидан бири “гипертекст” тизимини кенг қўлланилиши бўлиб, таълим олувчига индивидуал ёндоқишни ташкил эта олади. Яъни, билимларни узатишда адаптацион метод асосида таълим олувчини индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда билим беришни ташкил этади. Таклиф этилган лойиҳа интеллектуал ўқитиш тизимларига кирувчи, электрон таълим ресурслари ҳозирда кенг тарқалган “AutoPlay Media Studio, iSpring QuizMaker” пакетлари ёрдамида амалга оширилган. Уларни асосий ютуқларидан бири билим узатишда бевосита интеллектуал тескари алоқани доимо ташкил этиб турилганидир.